



«Биз мўъжизаларни барака деб ҳисоблар эдик. Сизлар уларни қўрқитиш деб ҳисоблайсизлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда эдик. Сув оз бўлиб қолди. Бас, у зот:

«Ортиб қолган сув бўлса, олиб келинглар», дедилар.

Озгина суви бор бир идишни олиб келдилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом қўлларини идишга солиб туриб:

«Муборак таҳорат сувига шошилинглар! Барака Аллоҳдан», дедилар. Батаҳқиқ, сувнинг у зотнинг бармоқлари орасидан отилиб чиқаётганини кўрдим. Шубҳасиз, биз ейилаётган таомнинг тасбеҳ айтаётганини эшитар эдик».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган. Унинг лафзида:

«Батаҳқиқ, таомни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан ер эдик. Биз таомнинг тасбеҳини эшитар эдик», дейилган.

يٰۤاَيُّهَا النَّبِيُّ لَوْلَا تَيْتَافُ، نَدَيْدَهِ لَعَوَّ يَبَّأَيِّفُوتُ: لَأَقُوْنَعُ الْجَلِي ضَرَّرَبْ أَحْ نَعُ  
جُحُيْ أَمَّالِي دِنَعَسِيْلَو، أَنْدَيْدَهِ لَعَكَرَتِي بَأْنِي: تَلُقَفْ مَلَسُو وَيْلَعُ الْجَلِي  
سَيْلَعَشْخُفِي الْيَلِي كَلِي غَمَقَلَطْنَف، هَيْلَعِ أَمَنِي نَسُجُحُيْ أَمَّعُلْبِي الْو، هُلْخَن  
لَأَقَفْ، هَيْلَعَسَلَجُ مُمْت، رَخَّأَمْت، أَعَدَفَرَمَّتْ لِرْدَايِي بِنَمْرَدِي بَلْوَحِي شَمَف، أَمَّعُلْ  
يِرَاخُ بَلْ هَاوَر. مُمَّطَاعُ أَمَلْتَمَيَقَبَو، مُمَّهَلِي دَلْ أَمَّهَافُ وَأَف. «هُوَعُزْنَا»

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Отам вафот қилди. Унинг зиммасида қарзи бор эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бориб:

«Отам ўз зиммасидаги қарзни қолдирди. Менда унинг хурмоси чиқарадиган нарсдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг йиллар бўйи чиқаргани ҳам зиммасидаги қарзга етмайди. Мен билан борсангиз, ҳақдорлар менга қаттиқ тегмасалар», дедим.

Ул зот мен билан хурмо хирмонларидан бирининг атрофида юрдилар-да, Аллоҳга дуо қилдилар. Кейин бошқасини ҳам шундай қилдилар ва унинг устига ўтириб олиб:

«Уни ўлчаб олинглар», дедилар.

Уларга ҳақларини тўлиқ қилиб бердилар. Яна уларга берган нарсаларича ортиб қолди».

Бухорий ривоят қилган.

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**